

Большевиклар биринчи кадамлариданок "дин халк учун афъюндир" деган марксча акидага каттик риоя килганларига карамай, уларнинг атокли арбобларидан бири янги хукумат таркибида маориф халк комиссари бўлиб ишлаган А.В.Луначарский "дин — инсониятнинг энг дохиёна кашфиётидир" деган хикматни айтганди. Дархакикат, мана, неча асрлардирки, бу улуг кашфиёт курраи заминнинг олти кисмида инсониятнинг энг самарали рухий мададкори бўлиб келмокда.

Дин шарофати билан одамлар калби мунаввар бўлмокда, дин ёрдамида улар инсон хаётининг маъносини идрок этмокдалар ва ўзаро муносабатларнинг пишик иморатини барпо этмокчалар. Динлар тарихи шуни катъий исбот килдики, ҳеч каерда ҳеч кайси инсонлар жамияти факат моддий манфаатларга суянибгина, факат моддий эhtiёжларини кондирибгина хаёт кечира олмайди — инсон хаётининг саодатманд бўлмоги учун, инсон шоду хуррамлик билан умргузаронлик килмоги учун виждон ва имон унинг хаётида устивор бўлмоги керак. Виждон, имон ва эътикод ёрдамидагина инсоф ва диёнат салтанатини барпо этиш мумкин.

Жахон адабиёти ва, айникса, шарк адабиёти шунинг учун ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида дин билан хамкадам ва хамнафас борди, ўзининг шох асар-лариди диннинг асосий фалсафий ва ахлокий караш-ларини бадий акс эттирди хамда зўр санъаткорлик билан таргиб килди. Агар ўзбек адабиётини оладиган бўлсак, Хўжа Ахмад Яссавий, Алишер Навоий, Насриддин Рабгузий, Махмуд Пахлавон, Сўфи Оллоёр, Хувайдо каби санъаткорлар яратган асарларнинг халк ўртасида кенг таркалганини хам, жумладан, шу билан изохлаш мумкин. Ижодининг асосий магизини диний оханглар ташкил килувчи шоир ва адиблар XIX асрнинг иккинчи ярими ва XX асрда хам яшашган. Масалан, юксак поэтик махорат билан ёркин шеърлар яратган Хазиний, ундан кейинрок ўтган Мискин, Хислат каби шоирлар ўзбек шеърятининг ёркин юлдузларидан эди. Афсуски, шўролар замонида адабиёт билан дин ўртасидаги ўзаро алокалар масаласи, адабиёт ва санъат ривожидида ислом динининг самарали роли масаласи мутлако ўрганилмади. Бундай муаммоларни тадкик килиш умуман такиклаб кўйилган эди. Умуман, классикларнинг асарлари нашр килинганда улардаги диний оханглар, хамдлар, наътлар ва шунга ўхшаш бошка анъанавий унсурлар таг-томири билан сугуриб ташланар эди. Ўзбекистон мустакил ривожланиш йўлига киргандан кейин республикада ислом динининг мавкеи бутунлай ўзгарди. Эндиликда диннинг аввалги обрў-эътиборини тиклаш, диний кадриятларимизни одамлар калбида чукур ўрин олишига эришиш бобида жуда катта ишлар килинди. Республикаимизнинг Олий Мажлиси виждон эркинлиги хакида конун кабул килди — бу конун хар бир одамнинг диний эътикод бобидаги хукукларини таъминловчи юридик асос бўлди. Киска муддатда минглаб масжидлар очилди. Тарихимизда биринчи марта Куръони карим ўзбек тилига таржима килинди, ўзбек тилида буюк мухаддис Исмоил ал Бухорийнинг тўрт жилддик хадислари чоп этилди. Хозирги кунда Тошкентда ислом университети, Тошкент ва бошка шаҳарларда олий диний мадрасалар ишлаб турипти, исломий адабиётлар нашр этадиган нашриётлар, газета ва журналлар бор. Буларнинг бари киска муддатда ислом динининг илдизлари янада чукурлашиб боришига йўл очди.

Мустакиллик йилларида адабиёт билан ислом дини ўртасидаги муносабатларда хам кескин бурилиш юз берди. Ўзбек адабиётининг ислом фалсафасидан ва ислом таълимотидан илхомланиб, ундан таъсирланиб, ўрни келганда ўзи хам унга муайян

таъсир кўрсатиб ривожланиши энди расман тан олинган факт бўлиб колди. Шу сабабдан бу масалага багишланган катта-кичик илмий асарлар пайдо бўла бошлади. Улар дин ва адабиёт алокаларининг кадимийлиги ва кўламдорлигини кўрсатиш билан бирга, бу сохада килиниши даркор бўлган ишларни аниклашга ҳам ёрдам бермокда. Бу ўринда ҳам бир-иккита мисол билан чекланаман. Адабиётшунос олим Хамидулла Караматов ўзбек адабиётида Куръони каримнинг таъсири масаласига багишланган хажман кичкина, лекин мазмунан теран рисоласида бу муаммонинг мухим кирраларини яхши тахлил килган. Бу рисола мумтоз адабиётимизнинг гоюлар дунёсини ва образлар тизимини Куръони каримдан чукур билимга эга бўлмай туриб очиб бериш мумкин эмаслигини исбот килиб берди. Худди шунга ўхшаш профессор Нажмиддин Комилов икки кисмдан иборат "Тасаввуф" деган тадкикотида ҳам мумтоз адабиётимизнинг, колаверса, кўпгина шарк адабиётларининг энг мухим муаммоларидан бирини каламга олган. Маълумки, сўнгги 20—25 йил ичида бу масала хакида кўплаб анжуманлар, илмий конференциялар ўтказилди, катта-кичик тадкикотлар яратилди. Бундай асарлар айникса Туркия, Эрон ва Тожикистон олимлари, шунингдек, айрим оврўпа шаркшунослари томонидан чоп этилди. Профессор Нажмиддин Комиловнинг китоби бу асарлар каторида муносиб ўрин эгаллайди. Бу китоб ҳам тасаввуф тарихи ва тасаввуф назариясини мукамал билмай туриб, мумтоз шарк адабиётини ва, биринчи навбатда, ўзбек адабиётини илмий ўрганиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини яккол исбот килиб берди. Шўро даврида дахрийлик мухитида тарбия кўрган бизга ўхшаш чала мулла, чала мусурмон одамлар "ха, энди, тасаввуф дегани жун чопон кийиб, таркидунёчилик фалсафасини олдинга сурадиган бир оким-да" деб юраверган эканмиз. Холбуки, бу таълимот нафакат адабиётни, балки инсонни ҳам тушунишга йўл очадиган мўъжизакор калит экан. Ижтимоий хаётда диннинг салмоги ортиб боргани сари бадий адабиётнинг олдида ҳам янги вазифалар кўндаланг бўла бошлади. Тарихий кадрятларни тиклаш, тарихимизнинг ўқилмаган ёки унутилган сахифаларини тиклаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар бадий асарларда ўтмишдаги буюк ота-боболаримизнинг образларини яратишни такозо килди.

Айтмок керакки, бу адабиётимизнинг очилмаган кўриги эди. Тўғри, ХХ аср ўзбек адабиётида ўтмиш мавзуи мутлако ёритилмаган, тарихда ўтган буюк сиймолар образи сира каламга олинмаган деб айтиш бир томонламашк бўлур эди. Жумладан, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Беруний, Ибн Сино, Захириддин Мухаммад Бобур каби улуг шоирлар, олимлар ва давлат арбоблари хакида анча бакуват асарлар яратилган. Бу борада, айникса, Одил Ёкубов ва Пиримкул Кодиров каби адилларимизнинг хизмати диккатга сазовордир. Аммо бу ютуқлар хар канча мактовга сазовор бўлмасин, улар жамиятнинг тарихий асарларга бўлган эhtiёжини кондираолмайди. Негаки, биринчидан, уларнинг сони жуда ҳам кам, иккинчидан эса, энг яхши асарларда ҳам тарихий ходисалар ва тарихий шахслар тасвирида хукмрон мафкураининг тазйики остида бўгилган бир томонламаликлар, хаёт хакикатини бузиш холлари, тарихийлик ва объективлик принципларига хилоф ўринлар учрайди. Эндиликда мустакиллик шарофати билан тарихимизни анча кенг ва теран ёритиш имконияти пайдо бўлди. Айтмок керакки, бир катор ёзувчилар бу кутлуг вазифани ўташ учун энг шимариб ижод килишга киришдилар ва аллакачон хамир учидан патир дегандек бир катор эътиборга лойик асарлар яратдилар. Бу ўринда Одил Ёкубов ва Абдулла Ори-повларнинг буюк бобокалонимиз Сохибкирон Темур хакидаги, Эркин Самандаровнинг Абулгози Баходирхон ва Жалолиддин Мангуберди тўғрисидаги, Саъдулла Сиёевнинг Яссавий,

Мухаммад Атининг сарбадорлар тўғрисидаги, Асад Дилмуродов, Муроджон Мансуровларнинг бошқа тарихий мавзудаги асарлари фикримизнинг далили бўла олади. Шуниси алоҳида қувонар-лики, янги асарлар ичида диний мавзуларда ёзилган, азиз-авлиёларимизга, буюк уламоларимиз ва мухаддисларимизга бағишланган насрий ва шеърий асарлар ҳам бор. Бу ўринда мен Душан Файзийнинг Исмоил ал-Бухорийга бағишланган асарини таъкидлаб кўрсатишим мумкин. Душан Файзийнинг асари Имом ал-Бухорий хақидаги шеърий романдир.

Асар биографик маълумотларга бой, асарнинг кўп саҳифаларида узок йиллар мобайнида шеърият бобида бой тажриба орттирган муаллифнинг калами яққол сезилиб туради. Айтилганларга асосланиб, биз бу асарни бугунги адабиётимизнинг муваффақиятлари каторига кўшсак бўларди, лекин шундай қилишимизга нимадир халакит беради, асарни ўқиб бўлгач, нимадандир кўнглимиз тўлмаганини хис қилиб турамыз. Хар холда ўз даврининг энг буюк ақд эгаси бўлмиш бу улуг инсон хақида бадиий асар ўқиганимизда, калбинг ўз-ўзидан нурга тўлмаётганини, бутун вужудингни алланечук покиза туйғулар асир қилиб олганини, хисларинг жунбушга келиб, фикрларингизда инкилоблар юз берганини пайкашни истайсан киши. Афсуски, бундай бўлмади — мазкур асар ҳам кўпгина бошқа ўртағиёна асарлар каторида, сенга баъзи бир ахборотларни бериш билан чекланиб, калбингизда из қолдирмай ўтиб кетади. Шунинг учун уни мустакиллик адабиётининг ёркин намуналарига кўшиб бўлмайди, уни адабиётимизнинг янги мавзуини ўзлаштиришдаги дастлабки уриниш сифатидагина қабул қилса бўлади.

Хамма гап шундаки, хар қандай бадиий асар муаллифдан жуда катта билим, юксак тафаккурни, том маънодаги кашфиётларни талаб қилади. Хар бир муаллиф ўқувчи калбини забт этмок учун ўз асари устида, ўз истеъдодини чархлаш борасида фидокорлик билан меҳнат қилмоғи керак. Шу ўринда гарб санъати тарихидан бир мисол келтираман. Мен бу мисолни атоқди америка ёзувчиси Ирвинг Стоуннинг Уйғониш даврининг даҳо санъаткори Микеланжело хақидаги китобида ўқиган эдим. Маълумки, Микеланжело бутун умри давомида диний мавзуларда сувратлар ишлаган ва хайкаллар яратган. Бирок у ёшлигида чизган сувратларидаги азиз-авлиёлар нечукдир ўхшамайроқ чикканини, сустрок эканини, уларга жон етишмаётганини сезган. Микеланжело ўткир туйғуси билан пайкаганки, унинг инсон хақидаги билимлари, тасаввурлари камлик қилмапти. Инсон қандай харакат қилади? Унинг бармоқларини буқиб, тўғрилайётган қудрат қанака? Турганда, ўтирган, ётганда ёхуд чопганда муқулларда қандай ўзгаришлар рўй беради? Яхши рассом бўлмок учун сувратни ўхшатиб қизишинг ўзи қифоя қилмайди, унинг замиридаги харакатни ҳам билмок керак. Буни билмок учун эса... инсонни нимталаб, ичак-чавогини ағдариб, терисини шилиб кўрмок керак. Хуллас, инсон жасадини ёриб кўрмаса иш битмайди. Бирок инсон жасадини ёриш жуда катта гуноҳ, жинойт. Бунинг учун христиан маҳкамалари ҳеч иккиланмай жинойтчини ўлимга ҳукм қилади. Микеланжело шу сирни ўрганиш учун хаётини хатарга қўйиб шу ишни қилади — 30 кун мобайнида, кундузи расмлар қизиби, кечаси билан черков хужрасида тонггача мурдаларни ёриб кўради. Унинг кечаси-ю-кундузи ишдан бери қелмаслигини отаси мутлақо бошқача тушунади:

- Қанака саёқсан! Кечалари билан қаёқда дайдиб юрасан? Рангингга қара — аъзойи баданингдан ўликнинг хиди қелади! Ё уйлантириб қўяйми?

Ёш рассом бошини қуйи солганича, отасининг таъналарига бир огиз гап қайтармай хомуш туради. Лекин шу воқеадан кейин унинг ижодида қескин бурилиш юз беради — у

инсон танасини, юз тузилишларини, оёк-кўлларини, гавдасини шу даражада аник ва тиник чиза бошлайдики, унга хам, ундан кейинги даврда хам бундай камолот чўккисига эришиш бошка биронта рассомга насиб этмайди.

Мен бу воқеани тез-тез эслаб тураман — хаётини гаровга кўйиб эришилган махорат санъаткорни ҳеч қачон тарк этмайди, унинг мангу мулки бўлиб қолади. Мен жуда муҳим мавзуларда шоша-пиша ёзилган, анча-мунча гўррок асарларни ўқиганимда адибу удабога, шоиру шуарога ўз махоратини ўстириш борасида ана шундай фидокорлик билан меҳнат қилишни тилаган бўлардим. Фақат шундагина китобхонни ларзага соладиган, унинг қалбидан мангу ўрин оладиган асарлар пайдо бўлади.

Ўтмишдаги буюқ аждодларимиз, бобоқалонларимиз ҳақидаги асарларнинг зарур юксакликларга кўтарилган олмаётганининг муҳим сабабларидан яна бири бизнинг бадиий тафаккуримиздаги маҳдудликдир. Азизавлиёларнинг ва бошка улуг сиймоларнинг образини чизишга қиришар экан, муаллиф, асосан, бу сиймодан олган завқини, унга қойил қолганини, уни чексиз эҳтиром қилишини ифода қилади. Бундай завқ-шавқ кўп ҳолларда мадҳия тарзида, адоқсиз мактов шаклида намоён бўлади. Натижада, у сиймонинг ҳаёт йўлига, фаолиятига оид материаллар фақат баланд авж пардаларда, фақат ёрқин рангларда намоён бўлади. Менимча, тасвир объектига бундай ёндашиш салмоқли самаралар бермайди. Назаримда, ўтмишдаги буюқларимиз жуда катта жасоратларни кўрсатгани учун, маънавият бобида улуг кашфиётлар қилгани учун буюқ бўлишган. Улар ҳаётини силлиқина яшаб ўтган жўн одамлар эмас. Бинобарин, улар ҳақида ёзишга қиришган муаллиф шунчаки уларнинг ҳаётидан нусха кўтармай, бу буюқ-лар даражасига кўтарилмоғи, уларнинг буюқ инсон сифатидаги дардларию изтиробларини очиб бермоғи лозим. Бу — қийин, албатта. Лекин қачон, қаерда қим осон йўлдан бориб, улуг марраларни эгаллаган? Қўринадики, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Адибларимиз ва санъаткорларимиз бутун масъулиятни чуқур идрок этган ҳолда бу муҳим мавзунини ёритишга бел боғлашса, уларга буюқ аждодларимизнинг руҳи мададкор бўлади. Бунга шубҳа йўқ.

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ